

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВА НИЛУФАР ЗАЙНОБИДДИН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗЧА МАТНЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИШ ДАСТУРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪМИНОТИ
(СОДДА ГАПЛАР МИСОЛИДА)**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абдурахмонова Нилуфар Зайнобиддин қизи

Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг
лингвистик таъминоти (сода гаплар мисолида) 3

Абдурахмонова Нилуфар

Лингвистическое обеспечение программы перевода английских
текстов на узбекский язык (на примере простых предложений)..... 21

Abdurakhmonova Nilufar

Linguistic database of translating program from English texts into Uzbek
(as example of simple sentences) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВА НИЛУФАР ЗАЙНОБИДДИН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗЧА МАТНЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИШ ДАСТУРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪМИНОТИ
(СОДДА ГАПЛАР МИСОЛИДА)**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Fil220 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дадабоев Ҳамидулла Арипович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Суён Амирович филология фанлари доктори, профессор Маматов Абдумурод Эшонқулович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 2465321; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Н. М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё компьютер лингвистикаси табиий тил имкониятларини компьютер тилига ўтказиш ҳамда у билан боғлиқ масалаларни компьютер технологияси ёрдамида ҳал қилиш каби муаммолар тадқиқи билан шуғулланмоқда. Машина таржимасининг иқтисодий тежамкор ва тезкор алоқа воситаси эканлиги бу йўналишда компьютер лингвистикаси фанининг тараққиёт истиқболлини белгилаш билан бирга, янги илмий муаммоларнинг туғилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Жаҳон компьютер лингвистикасида матнларни таҳрирловчи дастур, нутқий синтезатор, матн корпуси, матнларни лингвостатистик анализ қилувчи дастур, матнларни рефератлаш каби тадқиқотларнинг бажарилиши катта ҳажмли лингвистик базаларнинг яратилишига хизмат қилди. Шу маънода Интернет тизимидаги ижтимоий тармоқлар, илмий-техникавий матнлар ва турли конференцияларда ёзма ва оғзаки таржимон дастурларининг ўрни муҳим.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида изчил ислохотлар амалга оширилиб, илм-фанни жадаллик билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани сингари ўзбек тилшунослигида ҳам бошқа фанлар кесимида янги йўналишлар вужудга келди. Кейинги йилларда компьютер лингвистикасининг алоҳида фан сифатида шаклланиши ҳам компьютер ва тилшуносликнинг кесишувидир. Аммо ҳозиргача ўзбек компьютер лингвистикасида машина таржимасига оид тадқиқотларнинг етарли эмаслиги сабабли ўзбек тилидан хорижий тилга ва аксинча таржима дастури учун ўзбек тилининг лингвистик маълумотлар базасини яратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»¹га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада машина таржимасини тадқиқ қилиш, ўзбек ва инглиз тилларининг формал грамматикаси асосида таржимон дастур учун лингвистик таъминот, таржима алгоритми, гап структураларнинг математик моделларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаш-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда машина таржимаси бўйича кўпгина олимлар томонидан илмий изланишлар қилинган. Чунончи, Н.Д. Андреев, И.А. Мелчук, И.И. Ревзин, В.Ю. Розенсвейг, Ю.Н. Марчук, Р.Г. Пиотровский, Ю.А. Моторин, К.Б. Бектаев, А.Н. Беляев, И.К. Белский, А.В. Зубов, Г.Е. Мирам, Л.Л. Нелюбин, В.И. Перебийнос, В.А. Чижаковский, Е.А.Шингарев, Г.Г.Белоногов, Р.Г.Котов, Бабушкина Н.В, З.Шалаяпина, О.Ю. Мансурова, А.С. Панина, А.А. Хорошилов (Россия); А.Бут, Р. Ричанс, Ж. Хатчинс, Ж.Аллен, П. Браун (АҚШ); М. Нагао (Япония); А.Вахер (Эстония); Францияда Ж.Астроуни; Р.Синха, А.Жаин (Хиндистон); Б.Блейзер, У.Швол, А.Сторрер (Германия) сингари тадқиқотчиларнинг ишлари шулар жумласидандир. Машина таржимаси назариясига оид қоидага асосланган алгоритм, фразага асосланган таржима, статистикага асосланувчи дастурий таъминот яратиш бўйича етарли манбалар мавжуд². Хусусан, ушбу соҳада бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу тадқиқотлар рус тилининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишга сезиларли улуш қўшган. Айниқса, ўтган асрнинг 60-80 йилларида машина таржимаси тизимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар юзага келди³.

Республикада чет тилидаги матнни ўзбек тилига ва ўзбек тилидаги матнни чет тилига таржима қилувчи дастурнинг лингвистик таъминотини яратишга қаратилган жиддий тадқиқотлар амалга оширилган эмас. Бироқ дастурчи ва математиклар томонидан муайян доирада илмий изланишлар

² А.С. Панина проблемы лексические неоднозначности при переводе с японского языка на русский (В связи с задачами японско-русского автоматического перевода): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2002; Хорошилов А.А. Теоретические основы и методы построения систем фразеологического машинного перевода: Дисс. ... д-ра тех. наук. – М., 2003; Douglas A., Lorna B., Siety M., R. Lee Humphreys, Louisa S. Machine translation: An Introductory Guide. – London, 1994; Марчук Ю. Модели переводы. Учебное пособие. – М.: Академия, 2010. – 174 с.; Christiane Fellbaum Wordnet: An Electronic Lexical Database. – London, 1998. – 447 p.; Мансурова О.Ю. Представление и передача пространственных отношений в многоязычной системе машинного перевода (на материале английского, русского и турецкого языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006; Кондратов А.М. Машинный перевод. – М., 1963; Ревзии И.И., Розенсвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. – М.: Высшая школа, 1964; Ингве В. Язык для программирования задач машинного перевода. – М., 1967; Василевский А.Л., Повалочкая С.К. и др. Экспериментальный алгоритм автоматического перевода патентной документации с английского языка на русский // Информация, процессы и системы. – М., 1971. – №1. – С. 29-34.

³ Чижаковский В.А. Фразеология и машинный перевод (опыт составления работы немецко-русского автоматического словаря для публицистических и научных текстов). – Кишинов, 1971; Борисевич А.Д. Англо-русский автоматический словарь оборотов (к проблеме идиоматичности при обращении текста в системе «человек – машина – человек»). – Минск, 1972.

бажарилган⁴. Ўзбекистонда компьютер лингвистикаси шаклланишида ўзбек тили материаллари бўйича лингвостатистик тадқиқотлар олиб борган Н.Ёкутова, М.Айимбетов, С.Ризаев ва С.Мухамедовларнинг илмий изланишлари диққатга сазовор⁵. С.Мухамедов Р.Р.Пиотровский билан ҳаммуаллифликда ёзган «Инженерная лингвистика и опыт системно – статистического исследования узбекских текстов» номли китобида лингвистик моделлар, моделлаштириш ва унинг умумий тамойиллари ҳақида фикр юритилиб, ўзбекча матнларнинг квантатив моделлари келтирилган.⁶ 2001 йили ЎзМУда проф. А.Пулатов бошчилигида Компьютер лингвистикасига асос солинган. Бу давр мобайнида ўзбек тилшунослигидаги масалаларни компьютерда ҳал этишга қаратилган ўнлаб битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинди⁷. Хусусан, кўп тилли машина таржимаси тизимини яратишда Х.Аҳмедованинг⁸ магистрлик иши, компьютер лингвистикасининг назарий методологиясига доир бир неча адабиётлар⁹, ўзбек тилини моделлаштиришга оид тадқиқотлар¹⁰, С.Мухамедова¹¹, А.Раҳимовлар¹²нинг лингвистик жиҳатдан назарий қарашлари акс этган ўқув қўлланмалари эътиборга молик. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари саналган жаҳон ва ўзбек тадқиқотчиларининг изланишлари таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиётини ўрганиш» режаси доирасида бажарилган.

⁴ Хақимов М.Х. Расширяемый входной язык математического моделирования естественного языка для многоязычной ситуации машинного перевода // ЎзМУ хабарлари, 2009. – № 1. – С.75-80; Хақимов М.Х. Формальные системы машинного перевода в многоязычной ситуации / Материалы республиканской научно-технической конференции «Современные проблемы математики, механики и информационных технологий», НУУЗ, ИМ и ИТ АН РУз, 2008. – С. 297-300.

⁵ Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2008. – 50 б.; Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1980. – 25 с.; Бектаев К.Б, Пиотровский Р.Г. Математическая лингвистика. – М.: Высшая школа, 1997. – 420 с.; Айимбетов М.К. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков (на материалах каракалпакского, казахского и узбекского языков): Автореф.дисс. ... д-ра филол.наук. –Ташкент, 1997. – 47 с.

⁶ Мухамедов С.А., Пиотровский Г.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно – статистического исследования узбекских текстов. –Т.: Фан, 1986; Махмудов М.А., Пиотровская А.А., Садыков Т. Система машинного анализа и синтеза тюркской словоформы // Переработка текста методами инженерной лингвистики. –Минск, 1982.

⁷ Abduraxmonova N. Matnlarni kompyuterda ishlash muaommolari: Bitiruv malakaviy ishi. – Toshkent: O‘zMU 2009; Abdurahmanova N. Matlarni ovozlashtirish dasturining lingvistik ta’minoti: Magistrlik dissertatsiyasi. – Toshkent: O‘zMU, 2012. Abduraxmonova N. Inglizcha sodda gaplarni o‘zbek tiliga tarjima qilish dasturining lingvistik ta’minoti: – Toshkent: O‘zMU, 2011.

⁸ Ahmedova X. MVC platformasida ko‘p tillik tarjimon muhitini yaratish: Magistrlik dissertatsiyasi. – Toshkent: O‘zMU, 2015.

⁹ Pulatov A. Компьютер лингвистикаси. – Т.: Akademnashr, 2011. – 500 б.

¹⁰ Пулатов А.К., Джураева Н. Разработка формальной модели грамматики узбекского языка // Узбекский математический журнал. – Т., 2002. – №1. – С.47-54; Пулатов А.К., Алиходжаев Б., Джураева Н. Разработка программы компьютерного анализа и синтеза глаголов узбекского языка // ЎзМУ хабарлари. –Ташкент, 2002. – № 2. – С.17-19.

¹¹ Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси (методик қўлланма). – Т., 2007; Пулатов А, Мухамедова С. Компютер лингвистикаси (ўқув қўлланма) – Т., 2014; Мухамедова С. Ўзбек тилидаги ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик тахмин яратиш. – Тошкент, 2006. – 143 б.

¹² Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Т.: Akademnashr, 2011.

Тадқиқотнинг мақсади инглизча содда гапларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминотини яратишга доир назарияларни таҳлил қилиш ва лингвистик асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

лингвистик таъминот учун икки тилли луғатлар базасини шакллантириш;

инглизча-ўзбекча феълли фраземалар ҳамда икки тилнинг морфологик базасини яратиш;

машина таржимаси тизими методологиясини ўрганишда илғор методлардан фойдаланиш, таржиманинг лингвистик алгоритминини тузиш;

содда гаплар мисолида икки тилнинг лингвистик моделини шакллантиришда умумий ва фарқли жиҳатлари ҳамда таржимада лингвистик таҳлил босқичларни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги содда гап, сўз бирикмаси ҳамда унинг грамматик тавсифи танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглизча-ўзбекча таржимон дастур учун лингвистик таъминот асосларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган тил ва нутқ бирликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, чоғиштириш, компонент таҳлил, статистик, моделлаштириш, трансформация, дарахтсимон синтактик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

машина таржимасининг лингвистик таъминотини яратиш бўйича таржима аниқлигини таъминловчи хулосалар чиқарилган;

икки тилнинг морфологик ва синтактик моделлари, инглиз ва ўзбек тилларига оид аффикслар, морфологик луғат, феълли фраземаларнинг лингвистик таъминоти яратилган;

матнларни автоматик таржима қилишда инглизча содда гап моделларининг ўзаро мувофиқлиги аниқланган;

машина таржимаси учун матнларни морфологик, синтактик-семантик таҳлил қилиш тамойиллари асосланган;

электрон луғат ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот яратиш тамойиллари бўйича парадигматик муносабатларни мувофиқлаштирувчи тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

машина таржимаси лингвистик таъминотини яратишга оид ўқув қўлланма¹³ ва таржима луғат¹⁴ чоп этилган;

инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминотига оид инглизча феълли фраземаларнинг ўзбекча таржима базаси ва ўзбекча сўзлар имлосини текширувчи мобил иловаси яратилган;

инглиз ва ўзбек тилларининг дериватив-морфотактик усуллари ҳамда статистикаси аниқланган;

¹³ Абдурахмонова Н. Машина таржимасининг лингвистик асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 160 б.

¹⁴ Abduraxmonova N. English-Uzbek dictionary of phrasal verbs. – Toshkent.: Turonzamin, 2017.– 420 b.

сўз бирикмалари ва гап моделларининг инглиз ҳамда ўзбек тиллари бўйича мувофиқлиги таҳлил қилинган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар компьютер лингвистикаси ва машина таржимасида олиб бориладиган изланишларни бойитишда, «Компьютер лингвистикаси», «Машина таржимаси» фанларининг фан дастурларини тузишда манба сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тилшунослик ва компьютер лингвистикасида назарий асосланган илмий хулосалар, инглиз тилидаги соҳавий нашрлар, қолаверса, диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг тажрибада синалганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти машина таржимасида лингвистик масалаларнинг тадқиқ этилиши, компьютер лингвистикасининг муайян йўналишларига доир методологик назарияларни таҳлил қилишга хизмат қилади, шунингдек, таржима дастури учун лингвистик таъминот тузиш, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг меъёрий талаблари ҳамда методларини ўзбек тили табиатига мослаштирган ҳолда тадқиқ этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржима амалиётида муҳим манба бўлиши, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари учун «Компьютер лингвистикаси», «Таржима назарияси», «Машина таржимаси» фанлари бўйича маърузалар ўқиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, луғатлар тузиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

тадқиқот натижалари асосида яратилган «Инглизча-ўзбекча феълли фраземалар луғати»да инглиз тилидаги барча услубларда кенг қўлланувчи феълли фраземаларнинг ўнг икки мингдан зиёди ҳамда уларнинг асосий феъллари жамланиб, ўзбекча муқобиллари аниқланган (Тошкент: Турон замин зиё, 2017. – 404 б.). Натижада уларнинг маълумотлар баъзаси яратилиб, машина таржимаси учун лисоний моделлари аниқланган, ўзбекча таржимадаги синоним ва омонимларнинг маънолари лингвистик таъминотда ўз ифодасини топган;

инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти учун яратилган инглизча-ўзбекча феълли фраземаларнинг лингвистик таъминоти ва инглизча феълли фраземалардаги илмий терминлардан Ф–4–02 рақамли «Дифференциал операторларнинг спектрал назарияси асосида математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 7 декабрдаги 02-11/1279-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳага доир хорижий тадқиқотлар ўрганилган, назарий

адабиётлар билан бойитилган;

диссертацияда эришилган натижалар, жумладан, инглизча-ўзбекча таржима луғатининг ҳамда феълли фраземаларнинг лингвистик таъминотидан Ф-4-64 рақамли «Берилганларни интеллектуал таҳлилида объекларини умумлашган баҳоларини ва индивидуал метрикаларини ҳисоблаш усулларини яратиш ва асослаш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 7 декабрдаги 02-11/1279-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг татбиқи орқали лойиҳа илмий натижавийлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро, 25 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 62 та илмий иш, жумладан, 1 та таржима луғат, 1 та патент, 1 та илмий гувоҳнома, 1 та ўқув қўлланма, 1 та ўзбек тилига оид қўлланма (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 160 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Машина таржимасининг назарий-методик асослари**» деб номланган биринчи бобида бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Унда машина таржимасининг юзага келишига компьютер технологияларининг такомиллашуви омил сифатида кўрсатилган. Таржимани моделлаштириш тамойиллари ҳамда илмий-техникавий маълумотларга доир долзарб муаммоларни ҳал этишда тиллараро таржима мослашувидаги икки компонентли таржима модели, тилнинг статик тавсифи ҳамда динамик таржима жараёни акс этиши ва таҳрирлаш сифатини оширишда инсон ресурсидан фойдаланиш заруриятининг борлиги таъкидланган. Бу борада, рус олими Ю.Н. Марчук машина таржимасини тавсифланган таржима моделларини тушунтирувчи куч, шунингдек, тил моҳиятини айтиш пайтда текшириш имкониятини кўрсатувчи, таклиф этилган ижодий мулоҳазаларнинг самарадорлигини оширувчи восита сифатида

баҳолаган. Машина таржимаси учун лингвистик моделлаштириш назарияси ҳамда табиий тилнинг маълумотлар базасини яратиш масаласини тадқиқ этишда Россияда Г.Г.Белоногов, Р.Г.Котов, Н.В. Бабушкина, З.Шалыпина, О.Ю.Мансурова, А.С.Панина, А.А.Хорошилов, В.А.Чижаковский кабиларнинг машина таржимаси бўйича бажарилган докторлик ва номзодлик ишларида, қолаверса, АҚШда А.Бут, Р.Ричанс, Ж. Хатчинс, Ж.Аллен, П. Браун; Японияда М.Нагао; Эстонияда А.Вахер; Францияда Ж.Астроуни; Хиндистонда Р.Синха, А.Жаин; Германияда Б.Блейзер, У.Швол, А.Сторрер кабиларнинг назарий қарашлари бугунги кунда машина таржимасига оид турли тизимларнинг юзага келишида муҳим омил бўлди. Бундан ташқари, туркология мисолида ҳам машина таржимасига оид тадқиқотлар қилинган¹⁵.

Шунингдек, машина таржимаси назарий жиҳатдан ўзбек тилшунослигида илк бор тадқиқ этилётгани боис ушбу терминга берилган изоҳлар қайд этилган: 1) машина ёрдамидаги инсон таржимаси (machine-assisted human translation – МАНТ) – инсон томонидан матнни таржима қилишда компьютер электрон луғатлар ва унга киритилган кўрсатмаларидан фойдаланиши; 2) компьютер ёрдамидаги таржима (computer assisted-translation – САТ) – матнни компьютер воситасида таржима қилиш ва унда англашилган асосий тушунчаларни ажратишга хизмат қилиши; 3) инсон ёрдамидаги машина таржимаси (human-assisted machine translation – НАМТ) – компьютер дастурий таъминоти орқали амалга ошириладиган таржимага инсон ресурси томонидан таҳрир қилиш вазифасининг юкланиши; 4) тўлиқ автоматик машина таржимаси (fully automatic machine translation – ФАМТ) – таржимон дастури орқали матнни ҳам таржима, ҳам таҳрир қилиш вазифаларини амалга оширилиши назарда тутилади.

Машина таржимасини лингвистик аспектда ўрганиш Жон Хатчинс номи билан боғлиқ. Олим машина таржимаси тизимларида лингвистик таҳлил босқичларини қуйидагича таснифлайди¹⁶: 1. Қоидага асосланган машина таржимаси (MT): трансфер тизим (*transfer-based machine translation*); интерлингвал тизим (*interlingual machine translation*); луғат асосидаги тизим (*dictionary-based machine translation*). 2. Корпус асосидаги машина таржимаси- (*Corpus-based MT*): статистикага асосланган MT (*statistics-based*); намуна асосидаги MT (*example-based*). 3. Гибрид машина таржимаси (*Hybrid machine translation (HMT)*).

¹⁵ Рахимова Д. Исследование моделей и методов семантики машинного перевода с русского языка на казахский язык: Дисс. ...канд. техн. наук, – Казахстан, 2014; Махмудов М. Разработка системы формального морфологического анализа тюркской словоформы (на материале азербайджанского языка): Дисс... канд. филол. наук. – Баку, 1982; Kemal Altıntaş Turkish to Crimean Tatar machine translation system (a thesis submitted to the department of computer engineering and the institute of engineering and science of Bilkent university in partial fulfillment of the requirements for the degree of master of science) 2001. – P. 30; Sundetova A., Forcada M.L., Shormakova A., Aitkulova A. Structural transfer rules for English-to-Kazakh machine translation in the free/open-source platform apertium / Компьютерная обработка тюркских языков. Латинизация письменности (международная конференция.) – Астана, 2013. – P. 320-331; Сулейманов Д.Ш., Гатиатуллин А.Р., Гильмуллин Р.А., Аюпов М.М. К разработке татарско-тюркского машинного переводчика / Компьютерная обработка тюркских языков. Латинизация письменности (международная конференция.) –Астана, 2013. – P. 271-277; Мейрамбек кызы Ж., Хорошилов А. А.Синтактико-семантические представления для развития казахско-русского фразеологического машинного перевода / Компьютерная обработка тюркских языков. – Казань, 2017. – P. 181-195.

¹⁶ <http://www.hutchinsweb.me.uk/Valladolid-2003-1-ppt.pdf>

Диссертациянинг «**Таржима дастуридаги лингвистик таъминотнинг семантик ва мантиқий асослари**» деб номланган иккинчи бобида машина таржимасида тил ва нутқ бирликларининг ўрни, терминографиянинг автоматик таржимадаги аҳамияти, машина таржимаси тизимлари (LOGOS, VISTA, Sistran)да терминларни ўрганиш ва уларнинг маълумотлар базасини яратиш борасидаги таҳлиллар, терминологик луғатини лингвистик таъминотга киритиш, лексемаларнинг умумий ва хусусий маъноларини кодлаш орқали инглиз тилидаги матнларни ўзбек тилига таржима қилиш имкониятини кенгайтириш, терминларни ўзлаштириш ва уларнинг моделларини бериш масалалари таҳлилга тортилган.

Машина таржимасида тил ва нутқ бирликларининг бирдай аҳамият-лилиги таъкидланган. Машинада интуитив хусусиятнинг мавжуд эмаслиги таржимада иштирок этаётган гапдаги барча компонентлар қуршовининг ўрганилиши зарурияти кўрсатилган. Бундан ташқари, сўз шакллари таҳлил қилишда, уларнинг морфем асосларини аниқлашда дериватив имкониятларнинг инобатга олинishi, сўзларнинг структурал модели тавсифланиб, унинг базасини шакллантиришга доир фикрлар берилган. Унга кўра лингвистик таъминотда инглиз ва ўзбек тилларидаги лексемаларнинг ясалиш хусусиятлари ўрганилиб, аффикслар аранжировкаси бўйича моделлар тузилган: *(олд қўшимча+)* асос+сўз ясовчи қўшимча+ *луғавий шакл ясовчи қўшимча+синтактик шакл ясовчи қўшимча* ҳамда инглиз тилида *(Prefix+ root+lexical suffix+grammatical suffix)*.

Композиция ва аффиксация усулида сўз ясалишининг моделлари аниқланганда куйидагилар маълум бўлди: инглиз тилида композиция усулида от сўз туркумининг 13 тури, 60 турдаги ясовчи олд қўшимча, 122 турдаги ясовчи суффикс, 21 хил шакл ясовчи қўшимча аниқланди. Инглиз тилида композиция усулида сифат сўз туркумининг 20 тури, 28 та олд қўшимча, 53 та суффикс, 3 та шакл ясовчи суффикс сифат даражаларини шакллантиришга хизмат қилишини кўрсатди. Семантик таҳлил натижасига кўра, феъл ясовчи 22 та олд қўшимча, 10 та феъл ясовчи суффикс, шакл ҳосил қилувчи 5 та суффикс ҳамда композиция усулида феълнинг 9 турдаги модели аниқланди. Семантик таҳлил равишнинг композиция усулида 2 турдаги модел ҳамда 4 та равиш ясовчи олд қўшимча, 11 та суффикс, шакл ҳосил қилувчи 2 та суффикс – *er* ва *- est* аффикслари равишларга даражаланиш маъноси юклашини кўрсатди.

Грамматик категорияларни семантик таҳлил қилиш натижасида 52 турдаги предлог, 42 турдаги предлог-фраза, 18 турдаги равишдошли предлог, боғловчининг 70 тури, 91 турдаги модал сўзлар, 34 турдаги ундов сўзларнинг мавжудлиги аниқланди. Ўзбек тилининг композиция усулида 7 турдаги, асоси от туркумидан иборат сўзлардан ясовчи аффиксларнинг 38 тури, феъл асосли сўзлардан 52 та аффикс, асоси сифатдан иборат бўлган 9 кўринишдаги от ясовчи аффикс, асоси тақлид сўздан иборат 5 кўринишдаги от ясовчи аффикс турлари аниқланди. Сифат ясовчиларнинг жами 115, олд қўшимчаларнинг 8, озайтирма даража қўшимчаларининг 8, орттирма даража ясовчиларнинг 11, озайтирма даража ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг

4 кўриниши ва композиция усулида 5 тури борлиги аниқланди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги дериватив имкониятнинг ўрганилиши морфотактик ҳолатни аниқлашда, яъни ҳар бир морфеманинг семантик ва мантикий чегарасини топишга ёрдам беради. Шунингдек, кўшма феълнинг 5, ясовчи аффиксларнинг 60, модал маъно ифодаловчи 6 тури, феъл нисбат кўшимчаларининг 26, инкор шаклини ифодаловчи 4, майл кўшимчаларининг 30, замон кўшимчаларининг 31, шахс-сон кўшимчаларининг 23 кўриниши мавжудлиги маълум бўлди. Равиш ясовчи кўшимчаларнинг умумий 50, олд кўшимчаларнинг 2, икки асосли равишларнинг 4 тури аниқланди.

Лингвистик таъминотда турғун бирикмаларнинг семантик ва мантикий имкониятларини баҳолашда намуна сифатида инглиз тилида мавжуд феълли фраземалар таҳлилга тортилди. Тадқиқотда феълли фраземаларнинг Access маълумотлар базасида тузилган 12 мингдан зиёди жамланиб, 3 мингдан ортиқ асосий феълларнинг маънолари билан ўзбек тилидаги муқобиллари берилди. Фраземалар таркибий жиҳатдан турли хил бўлгани боис уларнинг семантик майдони алоҳида эътиборга олинган. Ушбу тузилган маълумотлар базаси инглизча-ўзбекча-инглизча йўналишга мўлжалланган. Феълли фраземаларнинг алоҳида маъноси Access майдонларида IDси билан киритилган. Фраземанинг ҳар бир маъноси матн услуги ва контекст ҳолатига биноан уларнинг синонимлари билан алоҳида тарзда махсус белгиларда берилди. Бу ҳолат дастурий таъминот тузиш ва маълумот қидирувида қулай имконият яратади, шу сабабли феълли фраземаларнинг барча маънолари ҳисобга олиниб, 80 мингга яқин семалар базаси жамланди.

Ушбу лингвистик таъминотнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ундан ҳам база сифатида матнни таржима қилувчи дастур учун, ҳам асосий феълдан кейинги майдонда бирликларнинг транскрипцияси киритилганлиги туфайли электрон луғат сифатида фойдаланиш мумкин. Матнларни таржима қилишда фраземаларнинг моделлари алоҳида моделлар базасига киритилди. Зеро, таркиб жиҳатдан ўзаро ажраладиган ва ажралмайдиган феъллар алоҳида тарзда берилди. Ушбу феълли фраземаларнинг базаси қуйидаги моделларга асосланган: (*V* -*феъл*; *P*-*particles* (*предлог ёки равиш*); ↓-*бўлиши мумкин ёки мумкин эмас*; *smth.*-*something*, *smb.*-*somebody*): 1) *V* + *oneself* + *P*+*smth.* => *align oneself with smb. or smth.*; 2) *V* + *oneself* + *P*+*smb.* => *attach oneself to smb*; 3) *V* + *P*+ *smb. or smth.*+*P smth.* => *arrange with smb. about smth.*; 4) *V*+ *smb. or smth.* + *P*+ *smb. or smth.* => *associate smb. or smth. with smb. or smth.*; 5) *V*+ *oneself* +*P* => *arch (oneself) over* каби қирққа яқин моделлар аниқланди. Ушбу моделлардан келиб чиқиб, қуйидаги белгилар базага киритилди: 1) *P*₁, *P*₂, ... , *P*_{*N*} – *N* асосий феъл маънолари; 2) *N*₁, *N*₂, ... , *N*_{*k*} – *k* феълли фразема шакллари; 3) *V*₁, *V*₂, ... , *V*₁ –*l* феълли фраземалар маънолари; 4) *P*₁_, *P*₂_, ... , *P*_{*N*} – асосий феъл синонимлари; 5) *V*₁_, *V*₂_, ... , *V*₁_ – феълли фразема маъноларининг синонимлари; 6) *P* – ҳеч қайси феълга тегишли эмас. Инглиз тилидаги феълли фраземалар ўзбек тилида ибора, кўшма феъл, кўмакчи феълли сўз кўшилмаси, содда феъл каби категорияларга мос келади. Машина таржимаси учун феълли фраземаларнинг таҳлил қилиш алгоритми ишлаб чиқилди:

Шунингдек, ўзбек тили сўз бирикмалари модели орқали инглиз тилидаги моделларининг мослиги тадқиқ этилди. Натижада нафақат инглиз тили, балки ўзбек тилидан инглиз тилига ўгириш имкониятини ҳам яратилади. Тобе боғланишли бирикмада ҳоким сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра: 1) отли бирикма; 2) феълли бирикма тарзида бўлиниши синтактик муносабат шакллари аниқлашда енгиллик яратади. Битишув муносабатли отли бирикмаларнинг *Noun+Noun=> темир ускуна <=> Noun+Noun=> iron equipment; Adj.+Noun=> қулай имконият <=> Adj.+Noun=> suitable opportunity* каби моделлари тузилиб, бу турга мансуб 20; битишув муносабатли феълли бирикмаларнинг: *Adj.+Verb => яхши ўқимоқ- reading well* каби 3; бошқарув муносабатли отли бирикманинг *Noun + дан+ Noun => Андижондан хат <=> Noun + Prep.+ Noun => the letter from Andijan* каби 20; бошқарув муносабатли феълли бирикмалар: *Noun +za+ Verb => мактабга бормоқ<=> Infinitive+Prep.+Noun=>to go to school* кабиларнинг 10; мослашув муносабатли отли бирикмалар (туркий изофа) *Noun/Pronoun+ning+Noun=> китобнинг муқоваси <=> Noun+of+Noun=> the cover of the book* каби 3 тури аниқланди.

Терминларга хос таржимадаги мураккабликлар: 1) у ёки бу терминнинг иккинчи бир тилда айнан мавжуд бўлмаслиги; 2) терминларнинг сўз бирикмалари тарзида ифодаланиши; 3) матннинг услубини аниқлаш ва илмий терминларнинг маъноларини услубга кўра матн мазмунига боғлаш; 4) муайян соҳавий лексема турли маънода қўлланишининг лингвистик таъминот яратишдаги аҳамияти мисоллар орқали очиб берилган.

Диссертациянинг «**Машина таржимасида матн таҳлили**» номли учинчи бобида таржиманинг уч асосий компоненти мавжудлиги ва булар асос матн, унга қўйилган масалаларнинг нечоғлик тўғрилиги ҳамда терминология масалалари муҳим жиҳатлардан эканлиги таъкидланган. Матнни таржима қилишда қуйидаги масалалар ўрганилди: таҳлил жараёни, сўзларнинг матндаги маъноларини тушуниш ҳамда матнни тиклаш жараёни. Машина таржимасининг таҳлил босқичларига токенизация (сўз шакллари аниқлаш), лемматизация (сўзни аниқлаш) ва стеммизация (етакчи ва кўмакчи морфемаларни аниқлаш)лар киради.

Лексик сатҳнинг ўзига хослиги автоматик таржимада бир қатор мураккабликларни юзага келтиради. Жумладан, инглиз тилидаги аффиксал ва лексик омонимия, тил бирликларининг лингвокултурологик хусусияти, от ва сифат сўз туркумига кирувчи лексемаларда синонимик градуонимиянинг мавжудлиги ва услубий томони, терминларнинг турли соҳада бир неча маънода қўлланиши, уларни таҳлил қилишда юқорида таъкидланган бирликларнинг алоҳида базасини тузиш муҳим деган хулосага келинди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик категориялар, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари чоғиштирма аспектда таҳлилга тортилди. Машина таржимасида морфологик ва синтактик таҳлилнинг аҳамияти, морфологик анализда котегориялар таснифлашида нимани эмас, балки қандай таснифлаш турли жиҳатларга кўра амалга оширилиши қайд этилган. Морфологик тавсифнинг компонентлари сифатида луғатнинг махсус

объектли модели, луғат, морфологик қоидалар ҳамда фонологик ва морфофонологик қоидалар тушунилади. Базадаги маълумотларни дастурий таъминотда тўғри топиш учун қуйидаги белгилар киритилди: N_W – муайян сўз фақат бир сўз туркуми доирасида омонимлик ҳосил қилса; N_L – муайян сўз иккидан ортиқ сўз туркуми доирасида омонимликни воқеалантиса; N_Adj . { N_Adv .} – сўз икки сўз туркумига оид бўлганда, иккинчи сўз туркуми аниқ кўрсатилган.

Морфологик анализ фақат у ёки бу категорияларни таҳлил этибгина қолмай, Родолфе Делмонтенинг фикрича, лексикон учун қуйидаги лингвистик категориялар зарур¹⁷: 1) грамматик категориялар; 2) семантик категориялар; 3) дискурс даражасидаги категориялар; 4) синтактик категориялар; 5) тобели категориялар; 6) семантик концептуал категориялар; 7) чегараланган лексик бирликлар; 8) грамматик чекловлар. Исталган тизим (ахборот қидирув, машина таржимаси, автоматик таҳрир)да сўзларнинг грамматик (морфологик ва синтактик) таҳлиliga мурожаат этилади. Шу боис кўп тадқиқотларда морфологик таҳлилни оптималлаштиришга оид қатор фикрлар билдирилган¹⁸. Лингвистик таъминотда инглиз ва ўзбек тилининг морфологик луғати тузилди. Морфологик луғатда мустақил сўз туркумларига қўшилиши мумкин бўлган аффиксларнинг базаси Accessда яратилиб, қўшимча олиши мумкин бўлганларга 1 рақами киритилди.

Ўзбек тилида феълнинг ўзак шакли нутқда ифода нуктаи назаридан омонимлик ҳосил қилиши мумкин: $n_1 \rightarrow$ тур (тип) \leftrightarrow $n_2 \rightarrow$ тур (ўрнidan турмоқ) $n_3 \rightarrow$ тур (уйғонмоқ) \rightarrow $n_4 \rightarrow$ тур (нархда турмоқ). Бу ҳолатда унинг омонимлик ҳосил қилувчи варианты бир сўз туркумига тегишли бўлса, N_W (homonym \rightarrow words), агар икки сўз туркуми доирасида омонимлик ҳосил қилса, иккинчи омонимик туркум кўрсатилади: N_Adj (homonym \rightarrow adjective), агар бир неча сўз туркуми доирасида кузатилса, N_L (homonym \rightarrow lists) каби белгилар қўйилди. Бундай белгилар морфоанализни янада осонлаштиришга хизмат қилади. Матннинг синтактик таҳлилида Н.Чомскийнинг шажарасимон таҳлил методига таянилади. Ҳозир статистик ва нейро машина таржимаси синтаксисга асосланган тизим билан ривожланмоқда. Матндаги семантик алоқани ўрганиш учун йўналтирилган лингвистик таҳлилда грамматик категорияларни таҳлил этиш жараёни давом этмоқда, зеро,

¹⁷ Rodolfe D. Computational Linguistic Text Processing: Lexicon, Grammar, Parsing and Anaphora Resolution. Nova Science Publishers, Inc. – New York, 2008. – P. 4-5.

¹⁸ Belonogov G. G. On the use of a similarity method for automatic processing of textual information [Об использовании метода аналогии при автоматической обработке текстовой информации] Problems of cybernetics [Problemy kibernetiki]. Issue 28. – Moscow: Nauka Publ., 1974; Bolshakov I. A. CrossLexica: A large electronic dictionary of collocations and semantic links between Russian words [КроссЛексика – большой электронный словарь сочетаний и смысловых связей русских слов]. Компьютерная лингвистика и Интеллектуальные Технологии: Труды Международной Конференции «Диалог 2009» [Computational Linguistics and Intelligent Technologies: Proceedings of the International Conference «Dialogue 2009»]. – Moscow, 2009. – P. 45–50; Gelbukh A. F. Effectively realizable morphologic model of inflective language [Эффективно реализуемая модель морфологии и эктивного языка]. Научно-техническая Информация [Scientific and Technical Information], series 2, #1, 1992. – P. 24–31; Sokirko A. V. Bystroslavar': morphological prediction of new Russian words using very large corpora [Быстрословарь: предсказание морфологии русских слов с использованием больших лингвистических ресурсов]. Компьютерная лингвистика и Интеллектуальные Технологии: Труды Международной Конференции «Dialog 2010» [Computational Linguistics and Intelligent Technologies: Proceedings of the International Conference «Dialogue 2010»]. – Moscow, 2010. – P. 450.

морфологик структура барча лингвистик имкониятларни қамраб ололмайди, аммо объектни ўрганишда етарли тасаввур беради: *read somebody like a book* – бирор кишини жуда яхши тушунмоқ; *book club* – китобхонлар тўғараги; *speak by the book* – аниқ маълумотга таяниб гапирмоқ.

Диссертациянинг «**Машина таржимаси тизимида матнларни моделлаштириш**» номли тўртинчи бобида содда гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари моделлаштирилган ва қуйидаги турларга кўра синтактик моделлари ўрганилган: инглиз тилидаги от-кесимли ва феъл-кесимли содда гапларнинг ифода мақсадига кўра дарак гапнинг 12 типи: 1. Noun ⊕ Verb ⊕ ↓ Adverb; 2. Article ⊕ ↓ Adjective ⊕ Noun ⊕ ↓ Verb ⊕ ↓ Adjective каби; сўроқ гапнинг 10 тури: 1. Helping verb ⊕ Noun ⊕ ↓ Verb ⊕ ↓ Noun; 2. Helping verb ⊕ Noun ⊕ ↓ Pronoun ⊕ ↓ Verb ⊕ ↓ Noun; ундов гапнинг 12 тури: 1. Noun ⊕ Helping verb ⊕ Verb; 2. Noun ⊕ ↓ Noun ⊕ Helping Verb ⊕ ↓ Verb аниқланди.

Матндаги ҳар бир фрагмент (гап бўлаги сифатида сўз ёки сўзлар йиғиндиси)ни ажратиш учун автоматик буйруқ берилганда ҳамда компьютер хотирасидан ўрин олган лингвистик таъминотга бевосита мурожаат этилганда, трансформациянинг аҳамиятлилиги таъкидланади. Шу жиҳатдан гап моделининг нечоғлик аниқлиги ва киритилган лингвистик базанинг мукамаллиги ишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда инглиз ва ўзбек тиллари мисолида матнни автоматик таржима қилиш учун тилларнинг ўзаро лингвистик моделлардаги вазиятини аниқлаш зарурияти мавжуд. Бунда инглиз ва ўзбек тилларидаги мувофиқлашув муҳим. Жумладан, [*Neither of {of Prn.} Noun*]+*PS+Obj.*] => [{*Ol. | Ot*} +*келишик*{-дан,-нинг}] *Ҳеч қайси* {*бир*{+и |-миз |-имиз|-нгиз |-ингиз|-лари} } + {*Ol. | Ot*} +*Ob.*+{*эмас*} *KB|K*] (*Neither of the students has passed exam.* => *Талабаларнинг ҳеч қайси бири имтиҳон топширмади*) каби гапларнинг хослик нуқтаи назардан алоҳида таҳлилга тортилиши таржиманда зарурийдир.

Диссертацияда Java дастурлаш тилида таржиманинг алгоритмик жиҳатдан қай тарзда амалга оширилиши кўрсатилган. Унга кўра икки тилли таржимон муҳитида алгоритмлар ва дастурий таъминотни яратиш учун маълумотлар базасига қуйидаги белгиларни киритиш ўринли.

Базаларнинг номи	Функцияси
R_i	Предмет соҳалари бўйича терминлар ва иборалар базаси
Q1	Тилдаги барча ўзак сўзлар базаси
K1	Тилдаги барча ясама сўзлар базаси
V2	Гап бўлаклари базаси
V3	Сўз туркумлари базаси

Ҳар икки тил учун юқоридаги жадваллар яратилди. Матнни ташкил қилувчи ҳар бир гапнинг тузилишини, муайян сўз туркуми қандай гап бўлаги вазифасида келишини аниқлашда, албатта, ҳар бир тилнинг грамматикасига мурожаат қилинади. Таржимон муҳитининг ушбу шакли ўзбек-инглиз, инглиз-ўзбек йўналишларидаги таржимани амалга оширади: киритилган матнни (*Z*) гап бўлақларига ажратиб, ҳар бир сўзнинг бошқа тилдаги таржимасини терминлар базасидан олиб, шу тилнинг грамматикаси асосида

гап бўлаклари жойлаштирилади.

Табиий тилларни математик моделлаштиришдаги кенгаювчи кириш тилига¹⁹ қуйидаги белгилашлар берилади:

- T3_{i1}-сўзнинг бошқа тилдаги таржимаси ва унинг гапдаги вазифасидан иборат бўлган тўплам, $1 \leq i1 \leq m$;

- T4_{j1}- сўзнинг бошқа тилдаги таржимаси, $1 \leq j1 \leq m1$;

- T2-таржима қилинган матн;

- Э4-эга; Э2 –кесим; Э5-аниқловчи; Э6-тўлдирувчи; Э7- ҳол.

- Муайян тилдаги гап тузилишининг бошқа тилдаги мос гап тузилишлари моделини яратамиз. Қуйида ўзбек тилидаги гап тузилишларига мос инглиз тилидаги гап моделларини кўриб чиқамиз.

а) ўзбек тилидаги дарак гап тузилишининг математик моделлари қуйидагича бўлсин:

- I. 1. $\langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E5 \rangle \downarrow \oplus \langle E6 \rangle \downarrow \oplus \langle E7 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
2. $\downarrow \langle E5 \rangle \oplus \langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E6 \rangle \downarrow \oplus \langle E7 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
3. $\downarrow \langle E5 \rangle \downarrow \oplus \langle E5 \rangle \oplus \langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E6 \rangle \downarrow \oplus \langle E7 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
4. $\langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E5 \rangle \downarrow \oplus \langle E6 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
5. $\langle E4 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
6. $\langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E7 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.
7. $\langle E4 \rangle \downarrow \oplus \langle E6 \rangle \oplus \langle \Gamma2 \rangle$.

[1,3,4] дан келтирилган математик моделларда гап таркиби сўз туркумларидан ташкил топган, шу математик моделларга бироз қўшимчалар киритамиз. Яъни моделлардаги сўз туркумларини қайси гап бўлагига оидлиги аниқланиб, кейин унинг бошқа тилдаги таржимаси олинади ва гапнинг тузилиш тартибига кўра жойлаштирилади. Моделлардан энг оптимал ва маъноли таржимани ҳосил қилиш алгоритмининг вазифасига юклатилади. Юқорида келтирилган ўзбек тилидаги дарак гап тузилишларига мос инглиз тилидаги дарак гапларнинг математик моделлари қуйидагича шакллантирилади:

